

НИЯТИ
УШАЛМАГАН
«ИШБИЛАРМОН»ЛАР

МУЛКИЙ
НИЗОЛАР

XXI АСР НАФАСИ
вокалар,
хабарлар,
тафсилотлар

ОҚИБАТСИЗЛИК
ОҚИБАТИ

MEZON

Тижорат мақсадларида чоп этилган, ижроси ижрочи иштирокида ёзиб олинган фонограммани прокатта бериш ҳуқуқи ижрочи фонограммага ёзиб олиш тўғрисида шартнома тузилганда фонограммани тайёрловчи ўтади. Тижорат мақсадларида чоп этилган фонограмма нусхаларини прокатта беришда ижроси фонограммага ёзиб олинган ижрочи бундай фонограмма нусхалари прокати учун ҳақ олиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

Тижорат мақсадларида чоп этилган аудиовизуал асар нусхаларини прокатта беришда ижроси аудиовизуал асарга киритилган ижрочи бундай аудиовизуал асар нусхаларини прокати учун ҳақ олиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

Тижорат мақсадларида чоп этилган фонограмма ёки аудиовизуал асар нусхаларини прокатта беришда ҳақни йиши ва тақсимлаш ижрочиларнинг мулкӣ ҳуқуқларини жамоавий асосда бошқарувчи ташкилот томонидан амалга оширилиши мумкин. Ҳақ миқдори бундай ташкилот билан прокатта беришчи ташкилот ўртасидаги келишувда белгиланади.

«МУАЛЛИФИК ҲУҚУҚИ ВА ТУРДОШ ҲУҚУҚЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН 49-МОДДА

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастурумиз бўлсин!

ИНСОН ВА ҚОНУН

№ 49
(504)
2006 йил
12 декабрь
сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили ИНСОНПАРВАР СИЁСАТ — БАҲҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

Ўзбекистон мустақиллик йилларида ўз танлаган йўли ва тараққиётга мос тарздаги Ўзбек моделини яратди. Утган давр мобайнида амалга оширилган ислохотлар, кенг қўламли ўзгаришлар шу миллий тараққиёт моделининг босқичма-босқич олиб борилаётган амалдаги ифодасидир. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2007 йилни айнан Ижтимоий ҳимоя йили, деб эълон қилиниши давлатимиз ички ва ташқи сиёсатининг мантиқий давоми бўлиб, аввало, халқ турмушининг фаровонлиги, орзу ва интилишларининг тўлиқ юзага чиқишига ҳамда кучли фуқаролик жамияти барпо этишга қаратилган.

Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган йиғилишдаги «Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш — устувор вазифамиздир» номли маърузасида ижтимоий ҳимоянинг халқ турмушидаги теран моҳияти ва улкан аҳамияти алоҳида таъкидланди: «2007 йилга «Ижтимоий ҳимоя йили» деб ном берганимиз шу йўлда олдимизда турган вазифаларнинг маъно-мазмуни ва пировард натижаларини янада кучайтириши билан жамиятимизда ўзаро кадр-қиммат, меҳр-оқибат туйғусини, энг катта бойлигини бўлимиш тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлашга, ҳаётимизни янада обод ва фаровон этишга хизмат қилади».

Юртбошимиз ўз маърузаларида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар жамиятимизнинг гуллаб-яшнашига, турмушимиз фаровонлашувиغا хизмат этаятигини қайд қиларкан, бу борада олдимизда турган муҳим масалаларга ҳам эътиборни қаратадилар.

Дарҳақиқат, утган ўн беш йил мобайнида мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида юз кўрсатган туб ижобий ўзгаришларга гувоҳ бўлдик. Аммо фаровонлик билан бир қаторда турмушимизда айрим муаммоларни ҳам бошдан кечирганимиз бор гап. Бирок бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида бундай жужуй муаммолардан қатъи назар, мустақилликнинг илк йилларидан «Кучли давлат-



дан кучли фуқаролик жамияти сари» тамойили асосида юритилган сиёсат натижасида бугунги кунга келиб мамлакатимизда фаровон ҳуқуқий-демократик жа-

асослари мустаҳкамлаб қўйилган. Конституциясининг 2-моддасида: «Давлат халқ иродасини янада этиб, унинг манфаатларига хизмат қила-

дасида: «Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик асосида амалга ошириши» қайд этилган. Мамлакатда ижтимоий адолат принципларининг ўрна-тилишида давлат бош ислохотчи эканлиги мустақилликнинг дастлабки йилларида бошланган ислохотлардан маълум. Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган бозор иқтисодиётига ўтишнинг беш тамойилидан бири ҳам айнан аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш билан боғлиқ. Чунки, «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида», «Ноғиронларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида», «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги сингари қатор Ўзбекистон Республикаси қонунилари аҳоли ижтимоий ҳимоясининг қонуний асосларини белгилаб берди. Ижтимоий чекланган бола-

лар ва ўсимирларни, кўп болали хамда кам таъминланган оилаларни, боқувчисини йўқотган, кекса ёшдаги фуқароларни, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган аҳоли қатламини давлат томонидан моддий хамда маънавий қўллаб-қувватлаш мунтазам йўлга қўйилди.

Келахак авлод камолоти давлатимиз ижтимоий сиёсати устувор вазифаларидан саналади. Айниқса, бу борада таълим соҳасида бароққа қиритилаётган утуқлар салмоқлидир. «Таълим тўғрисида»ги қонун, «Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури» асосида мамлакатимиз таълим тизимида туб бурилишлар содир бўлди. Ушбу ҳужжатлар билан боғлиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор фармонлари, ҳужумат қарорлари қабул қилиниб, таълим тизимида кенг миқёсда ислохотлар амалга оширилмоқда. (Давоми учинчи бетда)

Истиқлолга эришиб, ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олгандан кейин биз ўз олдимизга келажак буюқ давлат, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган жамият қуришдек улғу мақсадни қўйдик. Эҳтимол, бу ўша пайтда кимларгадир баланд-парвоз ёки афсонавий гап бўлиб туюлган бўлиши ҳам мумкин. Лекин бугунги кунда ана шу мақсад йўлида эришган ютуқларимизни бутун дунё тан олмақда.

Ислам КАРИМОВ

мият барпо этишга мустаҳкам замин яратилди. Зотан, Бош Қомиссиянинг асосий модда ва боқларидан ҳам халқ манфаатининг ҳуқуқий

ди. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъуллар», деб белгиланган бўлса, 14-мод-

ма стандартлар»га кўра иш тутишининг яна бир кўринишидан бошқа нарса эмас. Акс ҳолда, миллий ва диний қадриятлар қайта тикланаётган, чинакам кадр топаётган, Рамазон ва Қурбон ҳайитлари оммавий равишда, умум-халқ байрами сифатида нишонланиб келинаётган, бутун ислом олами эҳтиром ила тилга оладиган аждодларимиз — Имом ал Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Абдулоҳлик Ғиждувоний, Наҳмиддин Кубро, Ҳажим Термизий, Имом Мотурудий, Бурхониддин Марғилоний сингари мутафаккирларнинг таваллуд саналари кенг нишонланаётган, муқаддас қадимжонлари бевосита давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан қайта таъмирланган пайтда юқоридагидек тағ-заминсиз гаплар бўхтондан бошқа нарса эмас. (Давоми иккинчи бетда)

пайтда айрим фарблик «демократия ҳимоячиларининг» базси бир ахборот воситаларининг уйдирмадан иборат гап-сўзлари замирида бирор-бир асос йўқ. Хусусан, яқинда АКШ Давлат департаментининг Ўзбекистонни «диний эркинликни таъминлаш бора-сида жиддий ташвиш уйғотаётган давлатлар» рўйхатида киритганидан, очиги, барчамиз таажубландик. Айни пайтда бу ҳол америкача «чикки ёкла-

ма стандартлар»га кўра иш тутишининг яна бир кўринишидан бошқа нарса эмас. Акс ҳолда, миллий ва диний қадриятлар қайта тикланаётган, чинакам кадр топаётган, Рамазон ва Қурбон ҳайитлари оммавий равишда, умум-халқ байрами сифатида нишонланиб келинаётган, бутун ислом олами эҳтиром ила тилга оладиган аждодларимиз — Имом ал Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Абдулоҳлик Ғиждувоний, Наҳмиддин Кубро, Ҳажим Термизий, Имом Мотурудий, Бурхониддин Марғилоний сингари мутафаккирларнинг таваллуд саналари кенг нишонланаётган, муқаддас қадимжонлари бевосита давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан қайта таъмирланган пайтда юқоридагидек тағ-заминсиз гаплар бўхтондан бошқа нарса эмас. (Давоми иккинчи бетда)

ги корхоналарини фермер ҳўжаликларига айлантиришда активлар ва пасивларни тақсимлаш Тартиби» талаблари бузилган.

Аслида бозор тамойилига асосланган бундай савдолар очик-ошқора ва ҳаққоний ўтказилиши шарт. Аммо айрим қайта ташкил этиш комиссияси мутасаддиларнинг бу қатъий талабдан бўйин товлаши замирида ўз шахсий манфаати ётганини аниқлаш қийин эмас. Йўқса, иссиқхона ҳақида газетга эълон берилди-ю, унда савдонинг ўтказилиши вақти, жойи ва шакли, савдога қайси иссиқхона қўйилаётгани, уни ўтказиш тартиби, бошланғич нархи ва унга қай тартибда иштирок этиш ҳақидаги муҳим маълумотлар «унутиб қолдирилди»ми? (Давоми иккинчи бетда)

Munosabat

БАҒРИКЕНГЛИК НАМУНАСИ

Миллий истиқлол азалий қадриятларимиз бўлиши мўқаддас динимизга эмин-эркин эътиқод қилиш, халқимизнинг маънавий юксалиши учун барча шарт-шароитни яратиб берди.

Мамлакатимиз фуқаролари учун том маънода виждон эркинлиги Конституцияимизнинг 31-моддасида белгиланган бўлган. Бу модда эса «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонун қабул қилинишида ҳуқуқий асос бўлди. Маз-

кур қонунда фуқароларнинг виждон ва эътиқод эркинлиги билан боғлиқ ҳуқуқлари аниқ-равшан ўз ифодасини топанган.

Юртимизда диний бағрикенглик, динлар ўртасида тотувлик қарор топиб, ҳаётини тамойилга айланган бир

шаётан мутасаддилар ҳам учраб турибди.

Шу ўринда бевосита мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, Тошкент туманининг собиқ Охунбоев номидаги ширкат ҳўжалигида истико-модда қўлаб фермер ҳўжаликларини ташкил этилди. Ҳўжаликларини қайта ташкил этиш, ер унақсаларини ижарага бериш масалаларини кўриб чиқиш мақсадида тузилган комиссиялар бу борада қўйилган талаблар асосида, яъни ерни ҳаққий эгасига беришга алоҳида эътибор қаратди. Аммо афсусланарли томони шундаки, бу муҳим жараёнга ноҳиллик билан ёнда-

Tahlil va saboq

“ЯШИРИН” АУКЦИОН СИРИ

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти, фермерлик ҳара-кати ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланиши натижаси ўлароқ, тизимда кенг қўламли ислохотлар

Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 8 ноябрдаги ва 2006 йил 9 январдаги қарорлари ҳамда бошқа меъёрий ҳўжа-жатларда фермер ҳўжаликларини ташкил этишда даъво-гарлар ўртасида танловни адолат тамойилларига қатъий амал қилган ҳолда очик-ошқор ўтказиш, голибларни аниқлашда ҳолислик ва ҳаққонийликни таъминлаш лозимлиги алоҳида қайд этилган.

Юқорида қайд этилган Пре-

Олий Мажлис Сенатининг яқинда бўлиб ўтган ялпи йиғилишида «Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга қўшимча киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни сенаторлар томонидан маъқулланди.

Куйида ана шу янги қонуннинг мазмун-моҳияти ҳақида фикр юритилади.

Qonun ijodkorligi ҲАЙДОВЧИ: УЯЛИ ТЕЛЕФОНДАН САҚЛАНИНГ!

Авалло шуни айтиш жоизки, ушбу қонун 2 моддадан иборат.

Унинг биринчи моддаси биринчи банди билан «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодекснинг «Транспортдаги, йўл ҳўжалиги ва алоқа соҳаларидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик» деб номланган XI боби янги 128-модда, яъни транспорт воситасини бошқариш вақтида ҳайдовчиларнинг телефондан фойдаланиши учун маъмурий жавобгарлики назарда тутувичи меъёр билан тўлдирилди.

Мазкур меъёр икки қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи қисмида транспорт воситасини бошқариш вақтида ҳайдовчилар телефондан фойдаланса, жарима солиниши, иккинчи қисмида эса айни шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо қўлланилгач, бир йил давомида такрор содир этилса, жарима солиш ёки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан олти ой муддатга маҳрум этишга сабаб бўлиши қайд этилган. Мазкур қонунни қабул қилишга қуйидагилар асос бўлди.

Ҳеч кимга сир эмас, кўпчилик ҳайдовчилар транспорт воситасини бошқариш вақтида уяли телефон орқали сўзлашиб, нафақат ўз ҳаёти балки бошқаларнинг ҳаёти ва соғлиғига ҳам ҳавф туғдиради.

Бундан ташқари, аҳолининг уяли телефонлардан фойдаланиши йилдан-йилга ортиб бораётган. Маълумотларга қараганда, жорий йил бошида уяли телефонлардан фойдаланувчилар икки миллион кишини ташкил этган бўлса, йил охирида уларнинг сон икки мартага ортиши кутилмоқда.

Мутахассис ва экспертларнинг таҳлилига кўра, транспорт воситасини бошқариш чоғида уяли телефондан фойдаланиш транспорт ҳодисаси содир этилиш эҳтимолини уч-олти марта кўпайтирар экан.

Аниқроқ айтганда, бундай вазиятда ҳайдовчи чалғиши, транспорт воситасини эътиборсиз бошқариши, ён-атрофдаги транспорт воситаларининг тезлиги ёки оралиқ масофани сақлашга бепарволик билан қараш оқибатида ҳавф туғдириши мумкин. Яна шуни таъкидлаш жоизки, транспорт воситасини бошқариб бораётган ҳайдовчи қўли билан уяли телефон рақамини териши ёки кўнгириқни қабул қилиш учун телефон тутмачисини босишда чалғийди. Бундан ташқари, автомобиль бошқариш вақтида телефондан фойдаланиш ҳайдовчининг кўриш доирасига катта таъсир кўрсатади, бу атроф умумий кўринишининг чегараланишига олиб келади, бу вақтда ташқаридан маълумот қабул қилиниши қийинлашади. Бу каби ҳолатларда ҳайдовчи фақатгина товуш ва белгиларга эмас, балки халокат келтирувчи ҳолатларга эътибор қарата олмаслиги мумкин. Бундай ҳуқуқбузарликларнинг ҳавфлилик даражасининг яна бир жиҳати шундаки, телефонда сўзлашув жараёнидаги ҳавф мас ҳолатда транспорт воситасини бошқаришдаги ҳавфдан деярли фарқ қилмаслиги ҳам бу масалани нечоғли жиддий эканини кўрсатади.

Бунинг устига Ички Ишлар Вазирлиги томонидан берилган маълумотларда шу йилдан 9 ой давомида рўй берган 7801 та транспорт ҳодиса натижасида 682 нафар киши ҳаётдан бевақт кўз юмган, 3587 нафари турли даражада

тан жароҳати олган. Айтиш кераки, юқорида қайд этилган ҳодисаларни содир бўлишида айрим ҳолларда ҳайдовчиларнинг уяли телефондан фойдаланган ҳолда транспорт воситасини бошқаргани ҳам сабаб бўлган.

Бундан ташқари, Германия, Франция, Бельгия ва Европадаги бошқа қатор давлатларда транспорт воситасини бошқаришда уяли телефондан фойдаланиш таъқиқланган.

Шунингдек, янги қонунда «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодексга киритилаётган 128-модданинг биринчи қисмидаги ҳуқуқбузарлик ички ишлар (милиция) идоралари, жумладан, давлат автомобиль назорати бўлими-маси бошлиғи ёки унинг ўринбосари, йўл-патруль хизмати командири ёки унинг ўринбосари, давлат автомобиль инспектори томонидан кўриб чиқилиши ва ҳуқуқбузарга жазо қўлланиши назарда тутилган.

Ушбу меъёرنинг иккинчи қисмидаги ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ ишлар қонунининг 1-модда, иккинчи бандига киритилаётган тўлдирishi билан суд томонидан қўрилади.

Қонуннинг 1-моддаси, 4-бандига биноан мазкур тоифадаги маъмурий ишларни ҳал қилиш ваколати юқлатилган ички ишлар идораси ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни маъмурий йўл билан ушлаб туриши мумкин.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, ушбу қонуннинг амалга жорий этилиши транспорт ҳодисасининг камайишига, фуқароларнинг ҳавфсизлиги ва соғлиғини таъминлаш, шунининг 9 ой давомида рўй берган 7801 та транспорт ҳодиса натижасида 682 нафар киши ҳаётдан бевақт кўз юмган, 3587 нафари турли даражада

Мавжуда РАҲАБОВА, юридик фанлари доктори

Dolzarb mavzu МАТБУОТ ВА СУД ҲОКИМИЯТИ

Маълумки, демократия ва бозор иқтисодиёти шароитида оммавий ахборот воситаларига, хусусан, ахборот олиш, тўплаш ва тарқатишга бўлган эҳтиёж ортади. Аксарият идора, ташкилот, корхона ва муассасалар ўз мақсади, фаолияти ҳақидаги ахборот ва маълумотларини, мақсад ва режаларини, тарғибот ва реклама материалларини оммавий ахборот воситалари орқали тарқатишдан манфаатдор. Матбуотнинг давлат қурилиши ва унинг тизимлари фаолиятдаги ўрни ва аҳамияти эса янада катта.

Ҳўш, оммавий ахборот воситаларига нисбатан зарурат ва эҳтиёжнинг ортиш сабаби нима билан изоҳланади? Бу саволга жавоб бериш учун мустақил мамлакатимиз матбуоти шўро давридаги қарам матбуотдан эркин ва ҳурфикрли минбарга айланганлигини таъкидлашнинг ўзи kifof. Бинобарин, амалдаги «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонун мамлакатимиз фуқароларининг сўз эркинлиги (3-модда)ни эътироф этади ва цензурага йўл қўйилмаслиги (4-модда) билан боғлиқ ҳуқуқий муҳофиза чораларини кўзда туттади.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда фаолият тарғибот-ташвиқот тадбирлари билан чамбарчас боғланган идора ва ташкилотлар кўпчиликни ташкил этади. Асосий вазифаси одил судловни амалга оширишдан иборат бўлган мамлакат суд тизими ҳам шулар жумласидандир.

Тажриба шуни кўрсатадики, қонунчилик тарғиботи ва ташвиқотини амалга оширмай туриб, одил судловни рўёбга чиқариш анча мушкул. Айниқса, жиноят ва жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олишда ушбу тадбирнинг аҳамияти чиндан ҳам бекиёс.

2001 йил 29 августда Олий Мажлис томонидан «Жинойий жазоларни либераллаштириш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун қабул қилинди. Жинойий хатти-ҳаракатлар ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун қўлланиладиган жазо чоралари ушбу қонунда сезиларли даражада энгиллаштирилганини алоҳида таъкидлаш зарур. Бу ҳол ўз вақтида жамиятга турли хил фикр ва қарашларни юзага келтирди. Базиларнинг энгил жазо жамиятда жиноятга нисбатан мойиллик ҳисси ва психологиясини уйғотиши мумкин, деган фикрни ҳам билдиришди. Шу ўринда тарғибот-ташвиқотнинг асосий мақсади жамиятда кечаётган демократик жараёнларга, кишилар

маънавиятида пайдо бўла бошлаган кеңиримлик ва бағрикенглик туйғуларига қаратилганлигини уқдирмоқ даркор. Маданияти юксалган жамиятда қонунлар, инсонпарварлик тамойилларига нисбатан ҳурмат ва хайрихолик ҳисси яқоқла намён бўлади. Ўз навбатида инсон ахлоқи ва маънавиятидаги бу ижобий ҳолатлар, шўбҳасиз, ўз самараси ва натижасини беради.

Ушбу пировард мақсадни рўёбга чиқаришда тарғибот-ташвиқотнинг ўрни катта эканлигини, бу оммавий тадбир асосан матбуот, телевидение ва радио орқали амалга оширилиши доимо назарда тутмоқ даркор.

Юқорида номи қайд этилган қонун қабул қилинганидан буён утган вақт ичида суд-ҳуқуқ тизими ходимлари уни амалга жорий этиш, жазонинг энгиллатиши билан кифояланиб қолишига йўқ. Жазонинг либераллаштириш бўйича қонунда кўзда тутилган имтиёзлар, ҳуқуқ ва эркинликлар кимга нисбатан ва қайси шартлар эвазига жорий этилиши кенг омма ўртасида чуқур тўшунтирилди. Бағрикенглик, кеңиримликка қаратилган сай-ҳаракатлардан қўзланган мақсад ва режалар мақоалардан, телекўрсатувлар, радиозинти-тирувларда мунтазам таҳлил этилди, шарҳ-лаб берилди. Оммавий ахборот воситалари орқали уюштирилган бундай тадбирларда жиноят ишлари бўйича вилоят, шаҳар ва туман судлари ходимлари ҳам фаол қатнашди. Утган давр мобайнида марказий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари жинойий жазоларни либераллаштириш мавзусида суд ходимларининг бир қанча тарғибот-ташвиқот мақоаларини фуқаролар эътиборига ҳавола этди. Бу тарғибот ишлари беиз кетган йўқ. Одамлар онгида жиноят ва жиноятчиликка нисбатан муроссазиллик ҳисси уюштурувчи қабул қилинганидан сўнг янада қулайлигига гувоҳ бўлдик. Юртбошимиз томонидан илгарти суринган кеңиримлик намунаси кенг омманга ҳам инсоний динбат ва меҳр-оқибатга ундади. (Давоми учинчи бетда)

2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили

ИНСОНПАРВАР СИЁСАТ — БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

(Давоми. Боши биринчи бетда)
Айниқса, «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумий дас-турга»ги Президент Фармони таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, соҳа ходимларига зарур шарт-шароитлар яратиш, таълим мазмуни ва сифатини такомиллаштиришда тарихий воқеа бўлди. Ушбу давлат биронон беш йил давомида республикадаги мактаб 9748 та мактабларнинг умумий ҳолатига кўра, уларнинг 2069 таси жорий, 3769 таси капитал таъмир-ланиб, 2313 таси капитал реконструкция қилинади, 325 таси эса янгидан бунёд этилади. Бу салмоқли ра-қамларнинг босқич-босқич амалга оширилаётган ижроси минглаб ўқувчи-ёшларнинг назарий ва амалий жиҳатдан қулай, ҳаёт ан-дозаларига мос ўқув даргоҳ-ларига тахсил олишларига, самарали билим эгаллаш-ларига кенг имконият яратиб бераётди.

Мамлакат ижтимоий ҳаётидаги кенг қўламли бу ўзгаришлари жорий йилда ёрқинроқ намоён бўлди. «2006-Ҳомийлар ва ши-фокорлар йили», деб эълон қилинишининг ўзи ҳам аниқ мақсадга йўнал-тирилган кучли ижтимоий сиёсатнинг амалдаги ифо-дасини аниқлади. Мазкур йилда «Ҳомийлар ва ши-фокорлар йили» Давлат дастури тўғрисида»ги қарорга мувофиқ, ёлғиз пенсионерлар, кам таъмин-ланган оилалар, ногирон-лар, Республиканинг чекка, экологик жиҳатдан ноқулай

туманларда истиқомат қиладиган аҳолига малака-ли тиббий ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Соғлиқни сақ-лаш вазирлиги маълумотла-рига кўра, Дастур бўйича республикамизнинг турғуқ мажмуаларини, гематология марказларини, шовишлич тез тиббий ёрдам илмий марказининг 12 та вилоят филиалларини ҳамда Рес-публика онкология маркази-ни замонавий технологик тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш кўзда тутил-ган. Умуман, тиббиётдаги барча ислохотлар аҳоли иж-тимоий муҳофазасига йўналтирилган бўлиб, амал-лий жиҳатдан бугунги кун-гача қилинган ишларда уларнинг улкан самарасини кўриш мумкин. Соғлиқни сақлаш тизимига доир дас-турларни амалга ошириш давомида бугунги кунга ке-либ замонавий типдаги 250 дан зиёд қишлоқ врачлик пунктлари барпо этилди. Республиканинг чекка ҳудудларидаги шифохона-лар ҳам малакали ходим-лар билан таъминланди.

Мамлакат ижтимоий ти-зимидagi асосий вазифа-лардан яна бири аҳолининг иш билан бандлик масала-сидир. Янги иш ўринлари яратиш, моддий манфаат-дорликни ошириш, ижтимоий хизмат кўрсатишни қу-чайтириш бўйича жорий йилда залворли қадамлар ташланди. «Йирик саноат корхоналари билан касан-начиликни ривожланти-риш асосидаги ишлаб чи-қариш ва хизматлар ўр-тасида кооперацияни кенгайтиришни рағбат-лантириш чора-тадбир-лари тўғрисида»ги Прези-

дент Фармони қўшимча иш ўринларининг ташкил эти-лишига, моддий манфаат-дорликнинг ошишига асос бўлди.

«Шахсий ёрдамчи, деҳ-қон ва фермер хўжалик-ларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлан-тириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш, қора-мол боқайтган деҳқон-фер-мерлар сонини кўпайтириш учун зарур ҳуқуқий ва икти-содий шарт-шароитлар яратди. Қарорда қишлоқ жойларда эхтиёжманд ва кўп болали оилаларни иж-тимоий қўллаб-қувватлаш учун бепул сигир бериш, имтиёзли микрокредитла-шнинг самарали механиз-ларидан фойдаланиш кўзда тутилган. Ушбу қарорга му-вофиқ давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда ҳомий-лар кўмағида кўп болали, кам таъминланган, эхтиёж-манд оилаларга 10 милли-ард сўмликдан зиёд қора-мол ҳада этилди. Шунинг-дек, қишлоқ хўжалик шир-катларини фермер хўжалик-ларига айлантириш бораси-да эришилган ютуқлар ҳам аҳоли ижтимоий ҳаётининг фаровонлашиб бораётгани-ни кўрсатиб турибди.

Президентимизнинг 2006 йил 17 апрелдаги «Узе-бекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хиз-мат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожланти-ришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғри-сида»ги ҳамда 7-сентябр-даги «2007-2010 йиллар-да ёлғиз кексалар, пен-сионер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофа-

за қилиш ва уларга иж-тимоий хизмат кўрсатиш-ни янада кучайтириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги қарорлари аҳоли ижтимоий ҳимоясига кўрсатилган эътибор тобора кучайтирилганидан далолатдир.

Жорий йилда 2 минг на-фар ёлғиз кекса ва 66 минг кам таъминланган оиланинг 3 миллион 570 минг квад-рат метр уй-жойи таъмир-лаб берилди. 23 минг на-фар ёлғиз кишига ижтимоий хизмат кўрсатилди, кам таъминланган ва кексалар-га қарийб 3,5 миллиард сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Шунингдек, Президен-тимизнинг Конституция-мизнинг 14 йиллигига ба-ғишланган йилгилидаги маърузасида таъкидланган-идек, «Жорий йилда кам таъминланган оила-ларга мансуб сал кам 125 минг нафар бошлан-ғич синф ўқувчиси 16 миллиард сўмликдан зиёд қийм-бош билан таъминланди.

Мактабга илк бор қадам қўйган фарзандла-римизни дарсликлар ва ўқув қуроллари билан бепул таъминлаш ишла-ри давом эттирилиб, 521 минг нафар болага қарийб 15 миллиард сўмлик дарслик ва ўқув қуроллари совға сифати-да берилди.

Утган давр мабойида жами 161 та спорт мажму-аси фойдаланишга топши-рилган бўлиб, улардан 18 таси янгидан барпо этилган, 108 та мактаб спорт зали ҳамда 35 та спорт мажму-аси реконструкция қилинди.

2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили, деб эълон қилинишида ҳам аҳоли тур-муш даражасининг фара-вонлиги назарда тутилгани шубҳасиз. 2007 йилда дав-лат бюджетининг 54,1 фоиз-и ижтимоий соҳага йўнал-тирилган, кам таъмин-ланган, кекса, ногирон, ёш болали, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга берила-диган нафақалар учун бюд-жетнинг 7 фоизи ажратил-гани ҳам бу фикрнинг ис-ботидир.

Шарафиддин Али Язди-нинг «Зафарнома» асарига Соҳибқирон Амир Темур ўз даврида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасида амал қилган фармойишини кел-тирилган: «Сармоясини кўлидан кетиб қолган савдогарга ўз сармоясини қайтадан тиклаб оли-ши учун ҳазинадан етар-лик миқдорда олтин бе-рилсин. Деҳқонлар ва ра-иятдан қайси бирининг деҳқончилик қилиши қурбн етмай қолган бўлса, унга экин-тикин учун зарур уруғ ва асбоб берилсин. Агар фуқаро-ларнинг бирининг уй иморати бузилиб, туза-тишга қурбн етмаса, ке-ракли ускуналарни етказ-иб бериб, унга ёрдам берилсин».

Соҳибқирон бобомизнинг буюк давлатчилик тизими-ни барпо этишда қўллаган элпарвар фармойишлари асрлар оша бугунги кунда давлатчиликнинг энг инсонпарвар анъаналари сифатида давом этаётгани гоғдат қувонарлидир.

Аслиддин АБДУЛАЗИС, «Инсон ва қонун» муҳбири

Ҳар биримиз кўп асрлик урф-одат, анъаналаримиз билан ҳақни равишда фахрланамиз. Дарвоқе, тарихий воқеалардан аёнки, ақсар оқилу доно инсонлар кесайиб ҳаёт билан видолашув чоғида фарзандларини жамлаб, қўнғилдаги энг сўнги истиғини — васиятини баён этган. Бу амал эса, кейинчалик фарзандлар ўртасида мол-мулк таллашиб, юзга келадиган келишмовчиликларнинг олдини олган.

Huquqiy savodxonlik sari

МУЛКҲИЙ НИЗОЛАР

уларни ҳал этишнинг ҳуқуқий мезонлари

Яқинда бир онахон билан шу мавзуда суҳбатлашиб қолдим. Онахон қуйидагилар-ни хикоя қилиб берди:

— Кўшимчи Зеби а ҳаётлигида: «Маҳмуд-дахон, қиёматли кўшимсиз. Шу уй-жой кенжа ўғлим Ботирники. Худого шукр, ик-кала ақаси оёққа туриб олган. Мавриди би-лан ўзларига бошлана олиб, қўчиб кети-шар. Худо кўрсатмасин, мабодо бирор гап-сўз бўлса, ўзингиз болаларимни йўлга соларсиз», дея васият қилганди. Ҳақиқатан ҳам, икки ўғил ўзига уй олиб, ота ховлиси-дан қўчиб кетишди. Бироқ вақт ўтиши би-лан «Уйимиз торлик қилаяпти. Ота ховли-ни сотиб, ўз уйимизга кенгроқ уй олма-сак бўлмайди», деган гағвоини бошлашди. Мен Зеби аянинг васиятини эслаб, улар-ни инсофга чақиритишга ҳарчанд уринмай, нафи бўлмади. Ота ховлисини сотишга кен-жа ўғилнинг кўзи қиймайди. Акалари «со-тасан», дея қисталган қилишди. Ахийри, икки ака судга мурожаат қилишди. Мен суд-да гувоҳ сифатида қатнашиб, Зеби аянинг васиятини баён қилдим. Бироқ, оғзаки ва-сият судда инобатла олинмас экан... Хул-лас, ховли сотилиб, уй ўғил, икки қизга баб-баравар тақсимланди. Бу яхши, аммо бир қориндан тушган ака-укаларнинг қўнғилда бир-бирига нисбатан адоват қол-ди. Бу воқеа менга катта сабоқ бўлди. Хов-лимизни тенг иккига девор билан ажрат-иб, икки ўғлимга бўлиб бердим. Ҳатто: «Мендан кейин иккинчи иноқ яшанг. Бир-бирингизнинг мулкнингизга кўз олайтир-манг», деган мазмунда васият ҳам ёзиб қўйдим.

Таъкидлаш керакки, қонун доирасида ме-рос тушунчаси бирмунча кенг маънони ан-галтса-да, фуқаролар меросга ота-ондан қолган мол-мулк сифатидагина ёндашиша-ди. Бинобарин, мерос масаласига адолат-ли қўнғилчиликмизда алоҳида эътибор қаратилган. Чунончи, Конституциямизда, Оила кодекси, Фуқаролик кодекси, Фуқаро-лик процессуал кодекси ҳамда Олий суд Пленумининг «Мерос ҳуқуқига оид қонун-ларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги қарориде мерос масалалари-га оид ишларни адолатли ҳал этишнинг ҳуқуқий мезонлари белгилаб берилган.

«Биз ҳуқуқий демократик жаҳмиат бар-по этишдек эзгу мақсад сари дадил интил-моқдамиз; — дейди Фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туманлараро суди судьяси Салима Эшонқуллова. — Бу борада, аввало, фуқароларнинг ҳуқуқий онгини оши-риб боришимиз лозим. Шу мақсадда биз жойларда фуқаролар билан тез-тез учра-шиб, ҳуқуқий мавзуда суҳбатлар, тушунти-риш тадбирлари олиб бораётимиз. Учра-шувлар чоғида мерос ҳуқуқига оид савол-лар, муаммоларга жуда кўп дуд келамиз ва албатта, қонун доирасида бундай муаммо-лар ечимини имкон қадар содда изоҳлаб берамиз. Кези келганда айтиш керакки, оиладаги меросга оид низо ва келишмов-чиликларга жойлардаги ўзини-ўзи бошқар-иш идоралари, кўпни кўрган қайиони она-хонлар, отахонлар ўз вақтида фаол арала-шиб, панд-насихат, йўл-йўриқ кўрсатишса, мақсадга мувофиқ бўлади. Бинобарин, мулкий низоларни ҳал этиш давоиса билан судга мурожаат қилаётган қариндош-уруғ-лар ўртасига нифоқ солмаслик, уларни му-росга келтириш ҳам биз — адолат пос-бонларининг бурчимиздир.

(Давоми тўртинчи бетда)

Вояга етмаган болаларни фарзандликка олиш Оила кодекси ва Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва оила тарбиясига олиш (патронат) тўғрисидаги Низога асосан амалга оширилади.

Mitti maslahat

ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШ

Оила кодексининг 151-моддасига биноан фарзан-дликка олиш фақат ота-она қарамоғидан маҳрум бўлиб, вояга етмаган болаларга нис-батан, уларнинг ҳуқуқ ва ман-фаатларини ҳимоя қилиш мақсадида қўлланилиб, бола-ни фарзандликка олишни сураган шахсларнинг ариза-сига ва васийлик ҳамда ҳомийлик идоралари тавсия-сига кўра туман, шаҳар ҳоки-ми қарори билан амалга оши-рилади.

— фарзандликка олиш-дан жинояти учун илгари ҳукм қилинган бўлса, «Патронат тўғрисидаги Низо»нинг биринчи бўлими, 12-бандида, фарзандликка олишни истовчи шахслар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши қўрсатилган:

- фарзандликка олиш-ларнинг исми, фамилияси, отасининг исми, яшаш жойи, агар фарзандлари бўлса, уларнинг сони ва ёшлари, фарзандликка олинадиган боланинг фами-лияси, исми, отасининг исми, ёши ва жинси кўрсати-лган аризаси, шахсини тасдиқловчи ҳужжат, никоҳ тузганлик (никоҳдан аж-рашганлик) ҳақидаги гу-воҳноманинг нусхаси, оила аъзолари кўрсатилган

— собиқ фарзандликка олувчилар, яъни улар ил-гари зиммаларига юклян-ган мажбуриятлари бажари-лган бўлиб товланган ёки лозим даражада бажарма-ган, ота-оналик ҳуқуқини суниётмоқ қилган, бола-ни нисбатан шафқатсизлик билан муомалада бўлган, шунингдек, сурункали ич-киликбозликка мубтало бўлганлиги учун фарзанд-ликка олиш бекор қилинган бўлса;

— қасддан содир қилин-ган жинояти учун илгари ҳукм қилинган бўлса.

«Патронат тўғрисидаги Низо»нинг биринчи бўлими, 12-бандида, фарзандликка олишни истовчи шахслар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши қўрсатилган:

ҳолда турар жойдан маълумотнома, иш жойдан ёки турар жойдан тав-сифнома, фарзандликка олишни истовчи шахсининг соғлиғи тўғрисида тиббий маслхат комиссиясининг хулосаси, психиатрия, наркологи муассасалари, тери-наосил касалликла-ри диспансерининг маълумотномаси.

Фарзандликка олишни истовчи шахс фарзандликка олинувчи яшаб турган жойдан бошқа жойда яшайдиган бўлса, юқорида санаб ўтил-ган ҳужжатлар билан бирга-ликда турар жойдаги халқ таълими бўлимининг унга бо-лани фарзандликка олиш мумкинлиги тўғрисидаги хулосасини ҳам тақдим этиши ке-рак.

Фарзандликка олиш ҳақиқий эмас, деб топилган-да ёки фарзандликка олиш бекор қилинганда, бола суд-нинг ҳал қилува қарори би-лан ўз ота-онасига олиб бе-рилади. Агар боланинг ота-онаси йўқ бўлса, шунингдек, боланинг ота-онасига бериш унинг мафатларига зид бўлса, бола ҳомийлик ва ҳомийлик идоралари қарамо-ғига берилади.

С. САТТАРОВ, ҳуқуқшунос

Dolzarb mavzu

МАТБУОТ ВА СУД ҲОКИМИЯТИ

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Натижада жамоатчилик, айниқса, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш идораларининг бу борадаги назорати кучайди. Бундан ҳам муҳими, жиноятчиликнинг жиловланиши қийин ва му-раккаб саналиб келган қўнғина турлари ўз-ўзи-дан барҳам топди. Бугунги кунда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш жара-ёни қизғин давом этаётган. Ўзбекистон демократия тамойиллари ёрқин намоён бўлаётган мамлакатлар сарфидан ўрин олаётган. Бундай қўлдамдор стратегик вазифалар таъсирчан тар-ғибот-таъкидламоқ зарур ва соҳа ходимлари бу ҳолни чуқур идрок этишлари керак.

«Ўзбекистон Республикасида ўлим жа-зосини бекор қилиш», «Қамоққа олишга санция бериш ҳуқуқини судларга ўткази-ш тўғрисида» Президентимиз томонидан 2005 йил 1 ва 8 августда эълон қилинган ик-кита тарихий Фармоннинг теран мазмун-мо-ҳиятини матбуот, телевидение ва радио ор-қали тарғиб-таъкид қилишнинг самараси ва аҳамияти янада катта бўлаёпти. Ушбу тарихий Фармонлар тўғрисида фуқаролар қалбиде бир томондан, жиний кирдиқорларга нисбатан кучли муросасизлик қайфияти кўзгалтаётган бўлса, иккинчи томондан, давлатимизнинг ин-сонпарварлик сиегасига нисбатан чуқур ҳур-мат ва ҳайрхоҳлик туйғуси шаклланмоқда.

Буларнинг бари оммавий ахборот восита-лари тарғибот-таъкидот учун ҳаётий зарурат-га айлангандан далолат беради. Қонунчилик ва ҳуқуқий маърифат тарғиботидан биринчи гада шу тизимдаги идора, ташкилот ва му-ассасалар манфаат топишди. Шундай экан, оммавий ахборот воситалари орқали ёрити-ладиган тарғибот материаллари, мавзу ва ма-қолаларни тегишли ижодий жамоаларга ун-дан манфаатдор томон тақдим этса, яқини му-ддо бўлади. Негаки, қаламқашлар бу борада-ги ташаббусларни одатга кўра, «масаллик»-ни бе-рувчилардан қутқишади.

Журналистларга тақдим этилган ишончли маълумот воқеа ва йилгиликларни оммага

ҳаққоний таразда етказиш гарови эканлигини унутмаслик зарур. Ахборот етишмовчилиги ва бу борадаги «қашшоқлик» тизимимиз ҳаёти-ни, воқеа ва ҳодисаларни, бўрттириб ёки кам-ситиб кўрсатиш, мавзуга ноҳолисона ёнда-шишга олиб келиши ҳеч гап эмас.

Жиноят ишлари бўйича Хоразм вилоят су-дида, оммавий ахборот воситаларига режа асосида мақола ва мақола учун материаллар тақдим этиш, айрим воқеалар ҳақида уларни олдиндан хабардор қилиш тартиби жорий этилган. Ана шунинг шарофатидан биргина 2006 йилнинг ўтган даври мобайнида марказий ва маҳаллий оммавий ахборот воситала-рида суд идораларининг фаолияти ва айрим ишлар тафсилотида доир 126 та мақола, 18 та телевидео эшиттиришлар ташкил этилди.

Омма орасида қонунчилигимизни тарғиб ва таъкид этишда, аввало, суд-ҳуқуқ тизими кўпроқ манфаат топишини юқорида асладик. Шу ўринда яна бир омилга эътибор қаратиш лозим. Гап газетда ва журналларимиз, телеви-дение ва радионинг оммавийлиги ҳақида ке-таётган. Таъкидлаш зарур: мамлакатимиздаги айрим оммавий ахборот воситаларининг муш-тарийлари сони озчилигини ташкил этади. Ти-зимимиз эса оммавий ахборот воситалари ор-қали ҳуқуқий мавзуларда ёритилаётган мақо-ла, кўрсатув ва эшиттиришлардан имкон қадар кўпроқ кишиларнинг баҳраманд бўлишидан, газетхонлар, телевидение ва радио мухли-слари аудиторияси янада кенгайишидан ман-фаатдор. Шундангина биз ўз сўзимизнинг муносиб тасвири ва ақс-салдосига эришамиз. Шундай экан, газета ва журналларимиз обу-начиларининг қўлайлиги, телевидение ва ра-дионинг мухлислари сони ортишига биз, ҳуқуқшунослар ҳам баҳоли қудрат кўмаклаши-шимиз лозим. Ушбу мантқий вазиятда омма-вий ахборот воситаларини қўллаш ҳар бир ҳуқуқшунос учун, албатта, фуқаролик бурчи ва мажбуриятга айланиши керак. Ҳуқуқий маъ-рифат тарғиботи ҳам шунини тақозо этади.

Султонмурод ХўЖАМУРОДОВ, Жиноят ишлари бўйича Хоразм вилоят суди раиси



Оппоқ либос кийди боғайр ҳам...

XXI АСР НАФАСИ

воқеалар, хабарлар, тафсилотлар

ҚАМОҚХОНА БОШЛИГИ ҚАМОҚДА

Ироқ ҳукумати мамлакат-даги қамоқхоналардан бири-нинг бошлиғи ва бошлиқ уринбосарини қамоққа олди. Расмий маълумотларда ай-тилишича, улар Саддам Хусайннинг жияни, умрбод қамоқ жазосига ҳукм этилган Айман Сабаунинг қоч-иши ташкиллаштиришни ре-жалаштираётгани ҳақида ах-борот олган ва бу ҳақда қамоқхона раҳбарларини огоҳланган эдик. Шунга қарамай, маҳбусларнинг қамоқ-дан қочиши бизни ҳайрон қолдирди...

Изоҳ: Айман Сабаун Ироқ-даги жангариларни қурол ва портловчи мосламалар билан таъминлаб тургани учун 2005 йилда Тикрит шаҳрида қўлга олинган ва Ироқ Олий суди то-монидан умрбод қамоқ жа-зосига ҳукм қилинган эди. Яна шунини айтиб ўтиш керакки, Ай-ман Сабаун Саддам Хусайн ҳукмдорлиги пайтида прези-дентнинг давлат маслхатчи-си сифатида фаолият юритган.

БИНО ҚУЛАБ ТУШДИ

Душанба кун Туркиянинг жануби-шарқий ҳудудиде жойлашган Дивербакр шаҳ-рида 5 қаватли турар жой би-носи кулаб тушди. Маълум бўлишича, 10 та оила яша-шга мўлжалланган бинонинг бир қисми иссиқлик тизими портлаб кетиши натижасида кулаб тушган. Турар жой би-носида 40 нафар офицер ва унтер-офицер ўз оиласи бил-лан истиқомат қилган. Рас-мий маълумотларга кўра, ҳалокат оқибатида ҳеч ким қурбон бўлмаган. Тан жаро-хати олганлар эса ўз вақтида шифохонага ётқизилган.

НОБЕЛЬ МУКОФОТИ ТОПШИРИЛДИ

Утган яқшанба кун Иро-вения ва Швецияда 2006 йил учун Нобель мукофоти топ-шириш маросимлари бўлиб ўтди. Мукофот топширишнинг тантанали очилиши аёнча-вий равишда Норвегиянинг Осло шаҳрида бўлиб ўтди. Бу йил Нобель мукофотига са-зовор бўлганлар орасида «Грамин» банки — бу банкни одатда камбағаллар банки ҳам деб аташди, — бу йил Нобель мукофотига сазовор бўлганлар орасида ушбу банк асосчиси, Бангладеш фуқаро-си Муҳаммад Юнус ҳам бор.

БЕРМОҚЧИ ЭКАНИНИ БИЛДИР-ГАН

БМТнинг Женева шаҳрида-ги штаб-квартирасида жой-лашган Исроил вакиллари ушбу масалга фақатгина Десмонд Тутунинг расмий ба-ёнотини эшитганларидан кей-ингина изоҳ беришни маълум қилган.

ИСРОИЛ РУХСАТ БЕРМАДИ

Исроил расмийлари Бир-лашган Миллатлар Ташки-лоти томонидан тузилиб, Нобель мукофоти соврин-дори Десмонд Туту раҳбар-лик қилаётган махсус ко-миссиянинг мамлакат ҳуду-дига киришига рухсат бер-мади, деб хабар тарқатган Associated Press ахборот агентлиги.

Агентлик маълумотига қараганда, олти кишидан иборат БМТ комиссияси аъзолари Бейт-Хануна шаҳ-рида юз берган фожиа оқибатини ўрганиши лозим эди. Маълумки, яқинда Бейт-Хануна шаҳридаги турар жой биналарига тушган артилле-рия снаряди портлаши нати-жасида 19 нафар Фаластин-лик фуқароси қурбон бўлган. Ўз исмини ошқор қилмаган БМТ вакили ахборот агент-лигига берган маълумотда комиссия тегишли рухсатно-мани ололмаганини айтган. Десмонд Туту бу ҳақда кей-инроқ махсус матбуот анжумани ўтказиб, расмий баёнот

Xotira

УСТОЗ ХОТИРАСИ БАРҲАЁТ



иши гуруҳининг аъзоси сифатида профессор Ф.М.Отахўжаев мамлакатимиз оилавий-ҳуқуқий муносабатларини тартибга солишга қаратилган қатор ҳуқуқий меъёрларни ишлаб чиқиш ва шакллантиришда фаол иштирок этган.

Шу билан бирга Республика «Маҳалла» жамғармаси, «Оила» маркази билан ҳамкорликда оила ҳуқуқини тарғиб этиб, бу борада кўплаб илмий-амалий ишлар олиб борди.

Бундан ташқари, профессор Ф.М.Отахўжаев Ўзбекистон Республикаси Олий Суди қошидаги илмий маслаҳат Кенгаши аъзоси сифатида оила қонунчилигини амалиётга туғри татбиқ этишда ҳам ўзининг салмоқли ҳиссасини кўшган олимлардан бири эди.

Ҳаётда шундай инсонлар бўладики, улар ўз умри, билими, ақл-заковати ва куч-қудратини фақатгина одамларга яхшилик қилишга, эзгу ишларга сарфлайди.

Huquqiy savodxonlik sari

МУЛКҲИЙ НИЗОЛАР

уларни ҳал этишнинг ҳуқуқий мезонлари

(Давоми. Боши учинчи бетда)

Дарҳақиқат, судда қўрилайётган мерос масаласига оид ишлар билан танишар эканмиз, баъзи даъвогарлар суднинг ҳал қилув қароридан норози бўлиб, апелляция шикоятини билан судга қайта мурожаат қилаётганларининг гувоҳи бўлдик.

Бундан ташқари, профессор Ф.М.Отахўжаев Ўзбекистон Республикаси Олий Суди қошидаги илмий маслаҳат Кенгаши аъзоси сифатида оила қонунчилигини амалиётга туғри татбиқ этишда ҳам ўзининг салмоқли ҳиссасини кўшган олимлардан бири эди.

Ҳаётда шундай инсонлар бўладики, улар ўз умри, билими, ақл-заковати ва куч-қудратини фақатгина одамларга яхшилик қилишга, эзгу ишларга сарфлайди.

кодексининг 1135-моддасига асосан: «Мерос қолдирувчининг болалари (шу жумладан, фарзандликка олинган болалари) ва ота-онаси (фарзандликка олувчилар) тенг улушларда қонун бўйича биринчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўладилар.

Фуқаролик кодексининг 1136-моддасида: «Мерос қолдирувчининг туғиш ҳақида она (ота) бир она (ота) бошқа (ака-укалари ва опа-сингиллари), шунингдек, унинг ота, ҳам она тарафдан бобоси ва буvisи тенг улушларда қонун бўйича иккинчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўладилар».

Тан олиш жоизки, апелляция инстанцияси суднинг ахримидан сўнг бу муаммо ўз ечимини топди. Бироқ кишини бошқа нарса уйга толдиради: мерос мулкига нисбатан эгаллик ҳуқуқини ажратиб беришни сўраган шахс Н.М. судга мурожаат этишдан олдин қайнотаси билан ҳеч бўлмаганда маслаҳатлашди-ми?

Келинг, яна бир мерос мулкка оид иш билан танишайлик. Унга кўра, ота-онадан мерос қолган уй-жой ва автомобиль кўпни кўрганлар бошчилигида ака билан сингил ўртасида баббаробар тақсимлаб берилган.

Судда гувоҳ сифатида иштирок этган маҳалла оқсоқолининг эйтириши эшитишга, аслида ака ҳам, сингил ҳам ота-она меросига у қадар муҳтож қишилар эмас.

Таъкидлаш жоизки, суд маҳалла ахлининг юқоридаги тақсимотини деярли ўзгартириш қолдириди. Фақат... бир қанча кишининг беҳуда овораси барсон бўлгани қолди, холос.

Дилфуза РАҲИМБЕКОВА, журналист

Биз кўп ҳолларда оқибат, садокат ва вафо фақатгина инсонга соғ фазилат, деб ўйлаймиз. Чунки оламдаги мавжудотлар орасида фақат ва фақат инсонгагина онг, идрок, тафаккур ато этилган.

Sirli dunyo ОҚИБАТСИЗЛИК ОҚИБАТИ

Хуллас, дунё аjoyиботу гаройиботларга тўла. Аммо йиртқич ҳайвонларнинг одам боласига яхшилик қилиши қамдан-қам ўчрайдиган ҳодиса. Турки, жаҳон ва ўзбек адабиётида ҳам бунга мисол бўлгулик бир талай асарлар бор.

Кўйида ана шундай ғайриоддий ҳодисалардан бири ҳақида ҳикоя қиламиз.

Одатда, судралувчи жониворлар, айниқса, илон ҳақида сўз кетганда ҳар қандай ботир одамнинг ҳам эти севкинчи кетади. Чунки илон азал-азалдан ёвузлик ва маккорлик тими соли ҳисобланади.

Кискаси, чой ичиб, гурунлашиб ўтирганимизда Тolib аканинг чап юзидаги катта чандиқ эйтиб ботириш тортди. Бу жаҳоннинг сабабини сўрадим.

— Ешлигимизда отам раҳматли Қизилқум саҳроси ҳақида жуда кўп қизиқarli ҳикояларни сўзлаб берарди. Улғайган, тақдир тақозоси билан геология касбини танладим.

Худди кечкидек эсимда 1979 йилининг май ойлари эди. Хизмат билан Қизилқумга отландик. Вазирамиз саҳрони ўрганиб, фойдали қазилмалар жойлашган худудларни аниқлаш эди.

Унинг бундан ташқари биринчи бўлиб қўришми эди. Қўришми тафти унча-бунча тандиримидан ҳам банд. Қўришмига келганда, шундайгина кумга туҳум қўйсангиз, икки даққага қолмай пишди.

Шундай қўришнинг биринчи таҳминан қўш уфқа ёнбошлаган паллада ёлғиз ўзим саҳрода йўл олдим. Ҳаёл билан чодиримиздан анча узоққа кетиб қолдим.



Қиш зийнати

Тошкент вилояти адлия бошқармаси ҳузуридаги нотариат бўйича Малака комиссиясининг 2006 йил 6 декабрдаги қарорига кўра, Бекобод шаҳар давлат нотариал идора катта нотариуси Имамқуллова Малика Назарқулванова 1997 йил 5 августда берилган нотариал фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи TS 000015 серияли лицензиянинг амал қилиши тугатилди.

Самарқанд вилояти адлия бошқармасининг 2006 йил 11 август кунги 10-сонли ҳайъат қарорига асосан Самарқанд шаҳрида «Юрист» адвокатлик фирмаси ҳамда Самарқанд вилояти адлия бошқармасининг 2006 йил 31 октябрь кунги 13-сонли ҳайъат қарорига асосан Самарқанд шаҳридаги «Деҳқон ҳимоячиси» адвокатлик фирмаси тугатилганиги эълон қилинади.

Сирдарё вилояти адлия бошқармаси ҳузуридаги нотариал бўйича Малака комиссиясининг 2006 йил 27 ноябрдаги 10-сонли қарорига асосан 1997 йил 20 июнь кунги Маҳмуд Яхшиликчи Хусанова берилган нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи № SI 000010 серияли, 10-тартиб рақами билан давлат реестрида қайд этилган нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши тугатилди.

Сирдарё вилояти адлия бошқармаси ҳузуридаги нотариал бўйича Малака комиссиясининг 2006 йил 27 ноябрдаги 10-сонли қарорига асосан 1997 йил 20 июнь кунги Тайёржан Айвозович Усманова берилган нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи № SI 000019 серияли, 19-тартиб рақами билан давлат реестрида қайд этилган нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши тугатилди.

Сирдарё вилояти адлия бошқармаси Мирзаобод тумани давлат нотариал идораси нотариуси ҳамда Сирдарё туманида ҳусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус лавозимларига танлов эълон қилади.

Талабгорлар 2007 йил 4 январьгача Сирдарё вилояти адлия бошқармасига мурожаат қилишлари мумкин. Талабгорлар куйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари лозим: 1. Нотариат бўйича Малака комиссиясининг номига ариза;

Жиноят ва жазо ФИРИБ ТЎҒРИ

Ҳаёт ўткинчи. Шу бонс ҳам одам боласи одатда умр дафтрини эзгу ишлар билан безанга, ўзидан ахши ном қолдиришга интилади яшайди.

Аммо беш қўл баробар эмас, деганларидек, эрта тондан гараз ниятда, бугун кишини фирибгарлик турига илтирсам экан, деб остона хатлайдиган кимсалар ҳам, афсуски, ҳаётда учраб туради.

Суд очерки

«1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 184-моддаси, 2-қисми ва 209-моддаси 1-қисми билан кўзга тутилган жиноят иши Миробод тумани судининг 09.06.2004 йил йалдига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1.01.2003 йилдаги «Амнияти тўғрисида»ги Фармонига асосан ҳаракатдан тугатилган.

бузмади, фақат олган пулларини бир ойдан кечиктирмай қайтариб беришга ваъда берди. Соддадил Бахтиёр унинг ёлғон ваъдаларига яна ишонди. Лекин яна ҳаммаси сароб бўлиб чиқди.

ИНСОН ВА ҚОНУН МУАССАСАСИ 2003 йил 29 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва Аxbорот агентлигида 078-рақам билан рўйхатга олинган

БОШ МУҲАРРИР: ШОДИКУЛ ҲАМРОЕВ ТАХРИР ҚАЙҲАТИ: Бўритош МУСТАФОВ, Икhtiёр АБДУЛЛАЕВ, Манжула РАЖАБОВА, Ҳуршида СОДИҚОВ

ТАХРИР ҚАЙҲАТИ: Абдуқамол РАҲМОНОВ, Милод САТТОРОВ, Илдам ҲАМРОЕВ, Нормейли НОРПУЛАТОВ

ИНДЕКС: 646882 «ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси тахририяти компьютер базасида тарғиб ва сақланади. А-2 бичимида, 2 босма табоқ ҳақида, офсет усулида «Шарк» нашрий-матбаа акциядорлик компанияси босмасида босилди.